

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ХОЛДАРОВА ДИЛПУЗА ЭРГАШБОЕВНА**

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ВА  
НИТРАГИН ҚЎЛЛАШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида)**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Холдарова Дилпуза Эргашбоевна**

Такрорий экинларда минерал ўғитлар меъёрлари ва нитрагин  
қўллашнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири (Андижон вилоятининг  
ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида).....5

**Холдарова Дилпуза Эргашбоевна**

Влияние на урожайность хлопчатника применение норм минеральных  
удобрений и использование нитрагина в повторных культурах  
(в условиях луговых сероземных почв Андижанской  
области).....18

**Xoldarova Dilpuza Ergashboevna**

Influence of the rates of mineral fertilizers in repeated crops  
and the use of nitragin on cotton yields  
(in the conditions of meadow- sierozem soils of the Andijon  
region).....33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....37

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ХОЛДАРОВА ДИЛПУЗА ЭРГАШБОВНА**

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ВА  
НИТРАГИН ҚЎЛЛАШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида)**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx425 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.tdauaf.uz](http://www.tdauaf.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иминов Абдували Абдуманнобович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Худайқулов Жонибек Бозарович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Санакулов Акмал Лапасович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**


**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти**


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «19» 01 2021 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600, Андижон туман, Куйган-ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail:agai\_info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 01 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2021 йил «9» 01 да тарқатилди.  
(2021 йил «09» 01 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



  
**А.Исашов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

  
**С.О.Абдурахмонов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., в.б. профессор.

  
**К.С.Комилов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда ғўза 100 га яқин мамлакатда, жами 34,675 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 27,254 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилмоқда. Жаҳон бўйича етиштириладиган пахта толасининг 21,7 фоизи Хитойга, 21,1 фоизи Хиндистонга, 17,6 фоизи АҚШга, 9,8 фоизи Бразилия ва 7,2 фоизи Покистонга тўғри келади<sup>1</sup>. Ушбу давлатларда ғўза учун ўтмишдош экин сифатида дуккакли дон экинларидан фойдаланилган ҳолда юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга эришилмоқда.

Ҳозирда дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида дуккакли дон экинларини экиш, экинларни озиклантириш меъёрларини белгилашда ўтмишдош экин турлари ва қўлланилаётган алмашлаб экиш тизимларини инobatга олган ҳолда белгилаш, уларни етиштиришда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш, дуккакли дон экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш орқали ушбу экинларни парваришlashда қўлланиладиган азотли ўғитлар меъёрларини камайтириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Республикамизда аҳолини озик-овқат ва чорвани ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш кенг йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “... қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>2</sup> муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу сабабли, республикамизнинг асосий суғориладиган майдонларида қўлланилаётган қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилаётган дуккакли дон экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва шу орқали келгуси йили парваришланадиган ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июлдаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (ПҚ-3027-сонли), 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (ПФ-5742-сонли) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги «2019 йил ҳосили

<sup>1</sup> <http://www.ministryoftextiles.gov.in/sites/default/files/Textiles-Sector-Cotton-Sep19.pdf>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори (259-сонли) ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида дуккакли дон экинларини экиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга таъсирини аниқлаш бўйича Р.Орипов, Б.М.Халиков, Н.Халилов, Н.Ўразматов, А.А.Иминов, Ф.Б.Намозов, М.М.Тожиев, С.Баҳромов, Қ.Жўраев, Я.Бўриевлар, кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экинларни парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича Р.Орипов, Х.Н.Атабаева, Б.М.Халиков, Н.Халилов, Н.Ўразматов, Д.Ё.Ёрматова, Н.М.Ибрагимов, А.А.Иминов, Ф.Б.Намозов, М.А.Авлиёкулов, М.Тожиев, Ф.М.Хасанова, Я.Бўриев, Л.А.Мирзаев, И.Т.Қарабаев, А.Мансуров, З.М.Жумабоев ва хорижда В.Volger, Н.М.Taylor, Н.Р.Gardner, G.Zhou, O.Christen, B.Pallut, J.Strassemeyer, S.Dieke, B.Malander каби олимлар томонидан кенг қўламдаги тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин, суғориладиган ҳудудларда такрорий дуккакли дон (соя, мош) экинларида нитрагин ва минерал ўғитлар қўллашнинг ғўза ҳосилдорлигини ошириш ва унинг сифатини яхшилашдаги аҳамияти бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар (собик Андижон қишлоқ хўжалик) институтининг “Бир майдондан бир йилда 2-3 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш усулларини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштириладиган дуккакли дон (соя, мош) экинларида нитрагин қўллаш ва минерал ўғитлар меъёрларининг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

такрорий экинлар (соя, мош) уруғларига экиш олдида нитрагин билан ишлов бериш ҳамда минерал ўғитлар меъёрларини тупроқнинг ҳажм массаси ва агрокимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

такрорий экинлар (соя, мош) уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитлар меъёрларини уларнинг илдизида шаклланадиган туганаклар миқдорига, ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, ҳосилдорлиги, вегетатив ва генератив органларидаги озуқа моддалари миқдорларига таъсирини аниқлаш;

чигитнинг лаборатория ва дала шароитларидаги унувчанлигига такрорий экинлар (соя, мош) уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитлар меъёрларини таъсирини аниқлаш;

ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, барг сатҳининг шаклланиши, вертицеллёз вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига такрорий экинлар (соя, мош) уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

илмий иш натижасида олинган маълумотларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаб бериш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўтлоқи бўз тупроқлар, такрорий экин соянинг “Орзу”, мошнинг “Победа-104” ва ғўзанинг ўрта толали “Андижон-37” навлари ҳамда нитрагиннинг соя экинида *Bradyrhizobium japonicum SB5*, мош экинида *Phaseolus radiatus 148* штаммлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида тупроқнинг хажм массаси, агрофизикавий хоссалари, экинларнинг ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, барг сатҳининг шаклланиши, ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги озуқа моддалар миқдорлари, соя ва мош экинларининг илдизида туганак бактерияларнинг шаклланиши, ғўзанинг вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштириладиган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитлар меъёрларини ғўзадаги самарадорлиги аниқланган;

кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида соя экини уруғларини экиш олдидан *Bradyrhizobium japonicum SB5*, мош экини уруғларини *Phaseolus radiatus 148* штаммларидаги нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёрда қўлланилиши экинларнинг ўсиши ва



ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида дон ҳосилини 4,1-5,5 ц/га ортиши аниқланган;

такрорий дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёра қўлланилиши тупроқнинг хажм массаси ва агрокимёвий хусусиятларини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган;

такрорий дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёра қўллаш орқали ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳининг шаклланиши, куруқ масса тўплаши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларини яхшилаш имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида соя экини уруғларини экиш олдидан *Bradyrhizobium japonicum SB5*, мош экини уруғларини *Phaseolus radiatus 148* штаммларидаги нитрагин билан ишлов берилган уруғларини экилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёра қўлланилиши соядан 26,4 ц/га ва мошдан 16,2 ц/га дон ҳосили олишни таъминлаб, ҳеч қандай минерал ўғит берилмаган назорат вариантларига нисбатан 7,3-8,5 ц/га, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитлар қўлланилмаган вариантларга нисбатан 4,1-5,5 ц/га миқдорида қўшимча дон ҳосили олишни таъминлаган;

қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ҳамда минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёра қўлланилиши ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, ўсимликнинг бўйи 93,0-93,8 см ни, ҳосил шохлари сони 14,5-14,8 дона ни, шоналар сони 5,7-6,0 дона ни, гуллар сони 1,7-1,8 дона ни, кўсаклар сони 14,3-14,8 дона ни ташкил этди. 1 ўсимликнинг умумий куруқ массаси 125,1-126,4 г. ни ташкил этиб, бир туп ғўзадаги барглар сони 0,9-3,5 донага, барг вазни 4,2-14,6 г га ортган бўлса, унинг юзаси эса 93,5-375,4 см<sup>2</sup> га кўпроқ бўлган;

ғўзанинг ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантлардан олиниб, 41,9-42,8 ц/га ни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида соя экини уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмасдан минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларга нисбатан 3,1-3,2 ц/га, соя ва мош экинларида нитрагин қўлланилмасдан, ўғитсиз парвариш қилинган назорат вариантларига нисбатан 5,9-6,0 ц/га миқдорида қўшимча пахта ҳосили олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланилган ҳолда математик–статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл



илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилладиган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан инокуляция қилиш ва минерал ўғитларни мақбул меъёрларда қўлланилиши келгуси йили парваришланган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳининг шаклланиши ҳамда курук масса тўплашига ижобий таъсир этиши ҳисобига юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш мумкинлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилладиган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан инокуляция қилиш ҳамда уларни парваришlashда минерал ўғитларнинг мақбул меъёрларда қўлланилиши ҳисобига ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиниб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ва олинган натижаларни амалиётга кенг жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида такрорий экинларда минерал ўғитлар меъёрлари ва нитрагин қўллашнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун “Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида нитрагин ва минерал ўғитлар қўллаш бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 02/025-1667-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда Андижон вилоятидаги фермер ва томорқа хўжаликлари учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитлар қўллаш технологияси Андижон вилоятининг Пахтаобод ва Шаҳрихон туманларида жами 177,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 02/025-1667-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида соя экини уруғларини экиш олдида *Bradyrhizobium japonicum SB5*, мош экини уруғларини *Phaseolus radiatus 148* штаммларидаги нитрагин билан ишлов берилган уруғлари экилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилганда соядан 26,4 ц/га ва мошдан 16,2 ц/га дон ҳосили олинган;

такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли-дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитларнинг

N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёрини қўллашнинг ғўзадаги сўнгги таъсири Андижон вилоятининг Пахтабод ва Шаҳрихон туманларида жами 177,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 02/025-1667-сон маълумотномаси). Натижада ғўзадан 41,5-42,4 ц/га пахта ҳосили олиниб, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан ишлов берилмасдан ўғитсиз парвариш қилинган фонда етиштирилган ғўзага нисбатан 4,0-5,2 ц/га миқдорида қўшимча пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 11,5-12,3 % га юқори бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ЎзҚХООТИИЧМ ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар (собик Андижон қишлоқ хўжалик) институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва Халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, кузги бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий экин сифатида етиштириладиган дуккакли дон экинларини тупроқ унумдорлиги ва ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини оширишдаги аҳамияти ҳамда турли агротехник омилларни такрорий экин сифатида етиштириладиган дуккакли дон экинларининг ҳосилдорлигини оширишдаги самараси баён этилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнггида изланишларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ғўзани парваришда ўтмишдош экинларда қўлланилган минерал

ўғитлар меъёрларини инобатга олган ҳолда озиклантириш меъёрларини тўғри белгилаш орқали юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш ҳисобига юқори иқтисодий самарадорликка эришиш юзасидан олинган натижа, хулоса ва фикрлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида, тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда тадқиқотларни олиб боришда фойдаланилган қишлоқ хўжалик экинлари навларининг тавсифи келтирилган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилиб, бунда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар **“Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”**, тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар **“Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах”** услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг **“Методика полевого опыта”** услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баронов усули асосида амалга оширилган.

Тажрибалар қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин – соя: ғўза ва 1:1, кузги буғдой+такрорий экин – мош: ғўза тизимларида олиб борилиб, 18 вариантни ўз ичига олган ҳолда 3 такрорланишда ва вариантлар 1 та ярусда жойлаштирилган. Ҳар бир вариантнинг умумий майдони  $4,8 \times 50 = 240 \text{ м}^2$ , шундан ҳисоблиси  $120 \text{ м}^2$  ни ташкил этган. Тажрибанинг умумий эгаллаган майдони 1,296 гектар. Тажрибада эгатлар кенлиги 60 см, эгат узунлиги 50 м. Тажрибада такрорий экин соянинг **“Орзу”**, мошнинг **“Победа-104”** ва ғўзанинг **“Андижон-37”** навлари экилган.

Тажрибани олиб боришда фойдаланилган экинларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб бориш ишлари қабул қилинган услубномалар асосида олиб борилиб, ҳисоб-китоблар қилинган. Ўтказилган барча агротехник тадбирлар жорий этилган тавсиялар асосида олиб борилган.


Диссертациянинг **“Қўлланилган агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда такрорий экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида, кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилган ва ишлов берилмаган фонларда минерал ўғитларнинг турли меъёрларда қўлланилиши тупроқнинг ҳажм массаси ва агрохимёвий хоссаларини ўзгаришига, соя ва мош экинларининг кўчат қалинлиги, ўсиши ва ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, илдизида шаклланадиган туганаклар миқдорлари, вегетатив ва генератив органларидаги NPK миқдорлари ҳамда ҳосилдорлигига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилиши тупроқнинг агрохимёвий хоссаларига ижобий таъсир этганлиги аниқланган. Тупроқдаги

гумус миқдори такрорий экинларни экиш олдида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан унинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,028-0,030 фоизга, умумий азот миқдори 0,012-0,014 фоизга, умумий фосфор миқдори эса 0,012-0,015 фоизга ортган.

Соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>60</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган вариантларда битта ўсимликнинг умумий қуруқ массаси 30,2-72,1 г ни ташкил этиб, ҳеч қандай минерал ўғит қўлланилмаган назорат вариантларига нисбатан 13,6-27,4 г га кўп миқдорда кўпроқ қуруқ масса тўплаганлиги аниқланган.

Дуккакли дон экинларининг илдизидида туганак бактерияларнинг ҳосил бўлиши соя, мош экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган вариантларда 28,9-41,4 дона ни ташкил этиб, ҳеч қандай минерал ўғит қўлланилмаган назорат вариантларига нисбатан 15,4-16,4 донага кўп миқдорда ҳосил бўлишини таъминлади. Азотли ўғитларнинг меъёридан ортиқча қўлланилиши эса ўсимликнинг илдизидида ҳосил бўладиган туганакларнинг миқдорини камайиб боришига сабаб бўлган.



1-расм. Такрорий экинларда нитрагин ва минерал ўғитлар қўллашнинг дон ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2009-2011 йилларда ўртача)

Соя					Мош						
2009 йил											
Sd=	$\sqrt{2*S2/n}$	0,63 ц	HCP05=	1,35 ц	Sd=	$\sqrt{2*S2/n}$	0,71 ц	HCP05=	1,53 ц		
Sx=	$\sqrt{S2/n}$	0,44 ц	Sx%	Sx*100/X=	1,90%	Sx=	$\sqrt{S2/n}$	0,50 ц	Sx%	Sx*100/X=	3,60%
2010 йил											
Sd=	$\sqrt{2*S2/n}$	0,49 ц	HCP05=	1,05 ц	Sd=	$\sqrt{2*S2/n}$	0,33 ц	HCP05=	0,70 ц		
Sx=	$\sqrt{S2/n}$	0,35 ц	Sx%	Sx*100/X=	1,63%	Sx=	$\sqrt{S2/n}$	0,23 ц	Sx%	Sx*100/X=	1,57%
2011 йил											
Sd=	$\sqrt{2*S2/n}$	0,57 ц	HCP05=	1,23 ц	Sd=	$\sqrt{2*S2/n}$	0,48 ц	HCP05=	1,04 ц		
Sx=	$\sqrt{S2/n}$	0,40 ц	Sx%	Sx*100/X=	1,81%	Sx=	$\sqrt{S2/n}$	0,34 ц	Sx%	Sx*100/X=	2,19%

Ўсимликнинг вегетатив ва генератив қисмларида энг кўп миқдордаги азот элементи соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдида нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган вариантларда кузатилиб, соянинг илдиз қисмида 1,04 %, поя қисмида 0,64 %, барг қисмида 2,03 %, донида 4,23 %, дуккак пўстлоғида 1,48 % ни ва мошнинг

илдиз қисмида 1,10 %, поя қисмида 1,15 %, барг қисмида 2,17 %, донида 3,77 %, дуккак пўстлоғида 1,50 % ни ташкил этганлиги аниқланган.

Энг юқори дон ҳосили дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг соя экинида  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га ва мош экинида  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантлардан олиниб, тегишли равишда 27,8; 17,0 ц/га ни ташкил этган (1-расм).

Диссертациянинг **“Такрорий дуккакли дон экинларида нитрагин ва минерал ўғитлар қўллашнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида, чигитларни лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, куруқ масса тўплаши, барг юзасининг шаклланиши, вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва турли меъёрларда минерал ўғитлар қўллашнинг таъсирига оид маълумотлар келтирилган.

Дуккакли дон экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилган ва берилмаган фонларда минерал ўғитларнинг турли меъёрларда қўлланилиши уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири турлича бўлганлиги кузатилган бўлса, ушбу яратилган фонларда келгуси йиллари парваришланган ғўзадан таҳлил учун териб олинган пахта ҳосилидан ажратиб олинган чигит намуналарини лаборатория шароитидаги униб чиқиш куввати ва даражаси аниқланганда ўтмишдош экинларда қўлланилган минерал ўғитларнинг меъёрлари ҳамда нитрагиннинг таъсир этганлиги аниқланган.

Соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши чигитларнинг лаборатория ва дала шароитларидаги униб чиқиш даражасига ижобий таъсир кўрсатиб, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмаган фонларда келгуси йили ғўза парваришланган вариантларга нисбатан лаборатория шароитидаги унувчанлиги 0,3-1,3 % га, дала шароитидаги унувчанлиги эса 0,5-0,9 % гача юқори бўлишини таъминлаган.

Такрорий дуккакли дон экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинганда ўсимликнинг бўйи 93,0-93,8 см ни, ҳосил шохлари сони 14,5-14,8 дона ни, шоналар сони 5,7-6,0 дона ни, гуллар сони 1,7-1,8 дона ни, кўсақлар сони 14,3-14,8 дона ни ташкил этганлиги кузатилган.

Ўғзанинг куруқ масса тўплаши бўйича энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларда кузатилиб, ғўза баргларининг куруқ массаси 22,5-23,1 г. ни, поясининг куруқ массаси 32,4-32,9 г.ни, чаноқларини куруқ массаси 20,5-21,1 г.ни ва пахтанинг куруқ массаси 48,7-49,3 г. ни ташкил этиб, 1

Ўсимликнинг умумий қуруқ массаси 125,1-126,4 г. га тенг бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштириладиган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан ишлов берилиши келгуси йили парваришланадиган ғўзанинг ривожланиш давлари мобайнида баргнинг шаклланиши ва юзасига ижобий таъсир этган. Бунда, бир туپ ғўзадаги барглар сони 0,9-3,5 донага, барг вазни 4,2-14,6 г га, намуна вазни 0,06-0,17 г га ортган бўлса, унинг юзаси эса 93,5-375.4 см<sup>2</sup> га кўпроқ бўлган. Бу эса ўз навбатида фотосинтез жараёнининг жадаллашувига ижобий таъсирини кўрсатган.

1-жадвал

**Такрорий дуккакли дон экинларида нитрагин ва минерал ўғитлар қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири, ц/га (2009-2011 йй.)**

№ вар	Такрорий экин турлари	Такрорий экинларда минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га	Йиллар бўйича пахта ҳосили, ц/га			Ўртача пахта ҳосили, ц/га	Қўшимча пахта ҳосили, ц/га
			2010	2011	2012		
1	Соя	Ўғитсиз	35,4	38,0	36,9	36,8	-
2		P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	37,0	39,8	38,2	38,3	1,5
3		N <sub>30</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	38,5	41,0	39,4	39,6	2,8
4		N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	40,3	42,6	41,1	41,3	4,5
5		N <sub>90</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	39,7	42,2	40,5	40,8	4,0
6		Ўғитсиз + Нитрагин	36,4	39,0	38,0	37,8	1,0
7		P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> + Нитрагин	38,0	40,7	39,1	39,3	2,5
8		N <sub>30</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> + Нитрагин	41,7	44,1	42,6	42,8	6,0
9		N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> + Нитрагин	40,8	43,6	41,2	41,9	5,1
10	Мош	Ўғитсиз	34,6	37,4	35,9	36,0	-
11		P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	36,3	39,0	37,5	37,6	1,6
12		N <sub>30</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	37,2	40,2	38,6	38,7	2,7
13		N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	39,4	41,9	40,5	40,6	4,6
14		N <sub>90</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	38,6	41,5	40,4	40,2	4,2
15		Ўғитсиз + Нитрагин	35,5	38,5	37,2	37,1	1,1
16		P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> + Нитрагин	37,2	40,1	38,9	38,7	2,7
17		N <sub>30</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> + Нитрагин	40,6	43,5	41,6	41,9	5,9
18		N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> + Нитрагин	39,7	42,8	40,5	41,0	5,0

2010 йил

Sd=	0,37 ц	HCP05=	0.75	Ц	Sx=	$\sqrt{S2/n}$ =	0.37	Sx%=	Sx*100/X=	1.96%
Sd=	0,12 ц	HCP05(A)=	0.24	Ц				Sx%=	Sx*100/X=	0.63%
Sd=	0,26 ц	HCP05(B)=	0.53	Ц				Sx%=	Sx*100/X=	1.39%

2011 йил

Sd=	0,22 ц	HCP05=	0.45	Ц	Sx=	$\sqrt{S2/n}$ =	0.15	Sx%=	Sx*100/X=	1.10%
Sd=	0,07 ц	HCP05(A)=	0.14	Ц				Sx%=	Sx*100/X=	0.34%
Sd=	0,15 ц	HCP05(B)=	0.31	Ц				Sx%=	Sx*100/X=	0.76%

2012 йил

Sd=	0,40 ц	HCP05=	0.58	Ц	Sx=	$\sqrt{S2/n}$ =	0.16	Sx%=	Sx*100/X=	1.47%
Sd=	0,13 ц	HCP05(A)=	0.26	Ц				Sx%=	Sx*100/X=	0.66%
Sd=	0,28 ц	HCP05(B)=	0.57	Ц				Sx%=	Sx*100/X=	1.45%

Ўғитнинг ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдида нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантлардан олиниб, 41,9-42,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, тола чиқиши ўтмишдош экин сифатида етиштирилган такрорий экин турларига мос равишда 38,5-38,8 % ни, 1000 дона чигит массаси эса 116,8-117,5 г. ни,

нисбий узилиш кучи 4,8 гс ни, линиявий тиғизлиги 179-180 м/текс ни, нисбий узилиш кучи 26,8-27,0 гк/текс ни, тола узунлиги 34,1-34,3 мм ни ташкил этганлиги аниқланган (1-жадвал).

Диссертациянинг **“Такрорий экинлар ва ғўзада қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида, тадқиқотларни олиб боришда фойдаланилган қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришдаги иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрини қўлланилиши юқори рентабеллик даражасига эришишни таъминлаб, минерал ўғитлар қўлланилмаган, ўғитсиз назорат вариантыга нисбатан 97,2-105,2 % га, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрини ўзи (нитрагинсиз) қўлланилган вариантларга нисбатан эса 43,3-49,4 % га юқори бўлган бўлса, келгуси йили парваришланган ғўза экинида соф даромад 992500-1052000 сўмни, рентабеллик даражаси 38,6-40,7 % ни ташкил этган.

Диссертациянинг **«Ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибалар натижаси»** деб номланган олтинчи бобида, кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг турли меъёрлари қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза етиштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларда юқори самарадорликка эга бўлган тажриба натижалари танлаб олинган ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилган.

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибада ҳам ғўзанинг ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантлардан олиниб, 40,3-41,2 ц/га ни ташкил этган бўлса, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмасдан минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантлардан эса 38,7-39,5 ц/га миқдорида пахта ҳосили олинган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатиб, ўсимликнинг бўйини 3,3-3,5 см.га, ҳосил шохлари сонини 0,1-0,3 донага, битта ўсимликдаги дуккаклар сонини 2,6-5,2 донага, 1000 дона дон вазнини 3,2-7,1 г.га юқори бўлишини таъминлади.

2. Соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган вариантларда битта ўсимликнинг умумий куруқ массаси 30,2-72,1 гни ташкил этиб, ҳеч қандай минерал ўғит қўлланилмаган назорат вариантларига нисбатан 13,6-27,4 г га кўп миқдорда кўпроқ куруқ масса тўплаганлиги аниқланди.



3. Дуккакли дон экинларининг илдизида туганак бактерияларнинг ҳосил бўлиши соя, мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган вариантларда 28,9-41,4 дона ни ташкил этиб, ҳеч қандай минерал ўғит қўлланилмаган назорат вариантларига нисбатан 15,4-16,4 донага кўп миқдорда ҳосил бўлишини таъминлади. Азотли ўғитларнинг меъёридан ортиқча қўлланилиши эса ўсимликнинг илдизида ҳосил бўладиган туганакларнинг миқдорини камайиб боришига сабаб бўлди.

4. Ўсимликнинг вегетатив ва генератив қисмларида энг кўп миқдордаги азот миқдорлари соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган вариантларда кузатилиб, соянинг илдиз қисмида 1,04 %, поя қисмида 0,64 %, барг қисмида 2,03 %, донида 4,23 %, дуккак пўстлоғида 1,48 % ни ва мошнинг илдиз қисмида 1,10 %, поя қисмида 1,15 %, барг қисмида 2,17 %, донида 3,77 %, дуккак пўстлоғида 1,50 % ни ташкил этганлиги аниқланди.

5. Энг юқори дон ҳосили соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, соя экинида  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га ва мош экинида  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантлардан олиниб, тегишли равишда 27,8; 17,0 ц/га ни ташкил этди.

6. Соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши чигитларнинг лаборатория ва дала шароитларидаги униб чиқиш даражасига ижобий таъсир кўрсатиб, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмаган фонларда келгуси йили ғўза парваришланган вариантларга нисбатан лаборатория шароитидаги унувчанлиги 0,3-1,3 % га, дала шароитидаги унувчанлиги эса 0,5-0,9 % гача юқори бўлишини таъминлади.

7. Такрорий дуккакли дон экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинганда ўсимликнинг бўйи 93,0-93,8 см ни, ҳосил шохлари сони 14,5-14,8 дона ни, шоналар сони 5,7-6,0 дона ни, гуллар сони 1,7-1,8 дона ни, кўсақлар сони 14,3-14,8 дона ни ташкил этганлиги кузатилди.

8. Ғўзанинг қуруқ масса тўплаши бўйича энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларда кузатилиб, ғўза барглариининг қуруқ массаси 22,5-23,1 г. ни, поясининг қуруқ массаси 32,4-32,9 г.ни, чаноқларини қуруқ массаси 20,5-21,1 г.ни ва пахтанинг қуруқ массаси 48,7-49,3 г. ни ташкил этиб, 1 ўсимликнинг умумий қуруқ массаси 125,1-126,4 г. га тенг бўлганлиги аниқланди.

9. Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштириладиган дуккакли дон (соя, мош) экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши келгуси йили парваришланадиган ғўзанинг ривожланиш даврлари мобайнида баргнинг шаклланиши ва юзасига ижобий таъсир этиб, бир туп ғўзадаги барглар сонини 0,9-3,5 донага, барг вазнини 4,2-14,6 г га, намуна

вазни 0,06-0,17 г га ортган бўлса, унинг юзаси эса 93,5-375.4 см<sup>2</sup> га кўпроқ бўлди. Бу эса ўз навбатида фотосинтез жараёнининг жадаллашувига ижобий таъсирини кўрсатди.

10. Ғўзанинг ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантлардан олиниб, 41,9-42,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, тола чиқиши ўтмишдош экин сифатида етиштирилган такрорий экин турларига мос равишда 38,5-38,8 % ни, 1000 дона чигит массаси эса 116,8-117,5 г. ни, нисбий узилиш кучи 4,8 гс ни, линиявий тиғизлиги 179-180 м/текс ни, нисбий узилиш кучи 26,8-27,0 гк/текс ни, тола узунлиги 34,1-34,3 мм ни ташкил этганлиги аниқланди.

11. Соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёрини қўлланилиши юқори рентабеллик даражасига эришишни таъминлаб, минерал ўғитлар қўлланилмаган, ўғитсиз назорат вариантыга нисбатан 97,2-105,2 % га, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёрини ўзи (нитрагинсиз) қўлланилган вариантларга нисбатан эса 43,3-49,4 % га юқори бўлган бўлса, келгуси йили парваришланган ғўза экинида соф даромад 992500-1052000 сўмни, рентабеллик даражаси 38,6-40,7 % ни ташкил этди.

12. Қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштириладиган соя экини уруғларини экиш олдидан *Bradyrhizobium japonicum* SB5, мош экини уруғларини *Phaseolus radiatus* 148 штаммларидаги нитрагинлар билан ишлов берилган уруғларини экилиб, такрорий экинларда минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га, ғўза экинида эса N<sub>200</sub> P<sub>140</sub> K<sub>100</sub> кг/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 ПРИ АНДИЖАНСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ  
(PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**ХОЛДАРОВА ДИЛПУЗА ЭРГАШБОВЕНА**

**ВЛИЯНИЕ НА УРОЖАЙНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА ПРИМЕНЕНИЕ  
НОРМ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ  
НИТРАГИНА В ПОВТОРНЫХ КУЛЬТУРАХ  
(в условиях луговых сероземных почв Андижанской области)**

**06.01.08 – Растениеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Андижан-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Qx425

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tdauaf.uz.uz](http://www.tdauaf.uz.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Иминов Абдували Абдуманнобович**  
доктор сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Худайкулов Жонибек Бозарович**  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

**Санакулов Акмал Лапасович**  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

**Ведущая организация:**


**Научно-исследовательский институт селекции,  
семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка**


Защита диссертации состоится « 19 » 01 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета. PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии. Адрес: 170600, г. Андижан, ул. Олийгох, дом №1. Тел: (99874)373-10-54; факс: (+99874)373-13-63; E-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz) Административное здание Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, 1 этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии (зарегистрирована за № 01). Адрес: 170600, Андижан, ул. Олийгох, дом №1, Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99874)373-10-54; факс: (99874)373-13-63

Автореферат диссертации разослан « 9 » 01 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от « 9 » 01 2021 года.)



  
**А. Исашов,**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,  
профессор

  
**С.О. Абдрахмонов,**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,  
и.о. профессор

  
**К.С. Комилов,**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, к.с.х.н., доцент.

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире хлопчатник выращивается в 97 странах на площади 34,675 млн. гектар и ежегодно получают более 27,254 млн. тонн хлопкового волокна. Из выращиваемого в мире хлопкового волокна 21,7 % приходится Китаю, 21,1 % - Индии, 17,6 % - США, 9,8 % - Бразилии и 7,2 % - Пакистану<sup>1</sup>. В этих странах качестве предшествующей культуры хлопчатника для получения высокого и качественного хлопка-сырца используют посев зернобобовых культур.

В настоящее время в мировой практике сельского хозяйства для получения высокого и качественного урожая хлопка-сырца является актуальной проведение исследований по высеву зернобобовых культур в качестве повторной культуры на площадях освобожденных от озимых зерновых колосовых культур, определению норм применения минеральных удобрений под культуры в зависимости от вида предшествующих культур и применяемых схем севооборота, применению ресурсосберегающих агротехнологий при их выращивании, снижению норм применения азотных удобрений при возделывании этих культур за счет предпосевной обработки семян зернобобовых культур нитрагином.

В целях обеспечения населения Республики продуктами питания, животноводство кормами, а также увеличение урожайности культур хлопкового комплекса широко внедряется посев повторных культур на площадях, освобожденных от зерновых колосовых культур. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы особое внимание уделено на «... устойчивое развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора»<sup>2</sup>. В связи с этим, в схемах кратко ротационного севооборота, используемых на основных орошаемых площадях Республики, проведение исследований по предпосевной обработке семян зернобобовых культур нитрагином, выращиваемых в качестве повторной культуры после озимой пшеницы и за счет этого получение высокого и качественного урожая хлопчатника, возделываемого на следующий год, является актуальной задачей.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит для выполнения задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан «О мерах по своевременному предоставлению необходимых материально-технических ресурсов для размещения, посева повторных культур на площадях освобожденных от зерновых колосовых культур» от 1 июля 2017 года за №ПП-3027, в указе Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства сельскохозяйственной продукции на 2019 год» от 29 марта 2019 года за № 259,

а также в других нормативно-правовых документах принятых в этом направлении.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды.

